

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.12.2021. Tar.26.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

**ТОШОВА ШАРИФА ПАНОВНА**

**МИРЗО АБДУЛАЗИМ СОМИЙНИНГ “ТУҲФАЙИ ШОҲИЙ”  
АСАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи  
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Тошова Шарифа Паноевна**

Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асари тарихий манба сифатида ..... 3

**Тошова Шарифа Паноевна**

Произведение Мирза ‘Абд ал-‘Азима Сами «Тухфа-и шахи» как исторический источник ..... 27

**Toshova Sharifa Panoyevna**

The work of Mirza ‘Abd al-‘Azim Sami «Tuhfa-i shahi» as a historical source..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.12.2021. Tar.26.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

**ТОШОВА ШАРИФА ПАНОВНА**

**МИРЗО АБДУЛАЗИМ СОМИЙНИНГ “ТУҲФАЙИ ШОҲИЙ”  
АСАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи  
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tar.1011 рақам билан рўйхатга олинган.

Иш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ik-tarix.tdpu.uz](http://www.ik-tarix.tdpu.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бобожонов Бахтиёр Мираимович**  
тарих фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Эгамбердиева Нигора Азадовна**  
тарих фанлари доктори

**Рахимов Комилжон Раҳматович**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон**  
**Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги DSc.03/30.12.2021. Tar.26.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-76-51; факс: (+99871) 276-76-51, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-76-51; факс: (+99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси



**А.К. Киргизбаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**С.Б. Тилабаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**Н.Х. Обломуродов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тарихшунослигида XIX аср охири – XX аср бошларида юз берган тарихий воқеаларни ўрганишга катта эътибор қаратилади. Бу давр, бир томондан, дунёнинг сиёсий жиҳатдан етакчи кучлари орасида қитъалараро устунлик учун жадал курашлар кечган, иккинчи томондан эса ислохотчилик ҳаракатлари кучая бораётган ва бутун дунё бўйлаб миллий озодлик курашлари авж олган тарихий бир давр сифатида кўрилади.

Бухоро амирлиги ана шундай жараёнлар юз берган марказлардан бири ўлароқ дунё олимлари диққати марказида бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда Берлин, Париж, Москва, Анқара каби шаҳарлардаги илмий-тадқиқот марказларида Бухоро амирлиги тарихини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Уларда Бухоро тарихи ва тарихшунослигига доир қатор монографиялар нашр этилди<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида тарихчи ва адабиётшунос олимлар олдига қўйилган устувор вазифалардан бири тарихимизнинг катта бир бўлагини ўз қатларида асраб келаётган ёзма манбаларнинг илмий-танқидий матнларини ва таржималарини амалга оширишдир. Тарихшунослиқда бирор сулола тарихини ёритувчи тарихий асар, тазкира, саёҳатнома, эсдалик, расмий ҳужжатлар каби манбалар юксак қадрланади. Чунки ҳар бир манба ўз даврининг турмуш тарзини, муаллиф ва унга замондош ўқувчиларнинг дунёқараши ва маданий кодларини акс эттиради. Манбани фақат сиёсий воқеалар тафсилотини тавсифлаш ёки сулолаларнинг сиёсий тарихини тиклаш учунгина ўқиш бугунги давр тарихшунослиги талабларига жавоб бермайди. Матншунос тадқиқотчи кенг маънода қўлёзма манбаларга маълум бир давр маданияти маҳсули сифатида қараши керак<sup>2</sup>.

Шу жиҳатдан ёндашганда, Бухоро анъанавий тарихнавислик мактабининг сўнгги вакилларида бири бўлмиш Мирзо Абдулазим Сомий (1838-1907)нинг “Тухфайи шоҳий”<sup>3</sup> (“Шоҳга аталган совға”) асари Россия империяси томонидан амирлик ерларининг босиб олиниши даври воқеаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Амирнинг шахсий муншийси сифатида Мирзо Сомий мамлакатдаги сиёсий жараёнларни яқиндан билган. Чунончи, у амир Музаффарнинг Шаҳрисабз, Китоб ва Ҳисори Шодмон бекликларига қилган юришларида “котиб” (“нависанда”), Рус-Бухоро урушида “воқеалар битикчиси” (“вақоенигор”) сифатида иштирок этиб, асарида ўз кўрган-кечирган воқеаларни холис ва батафсил ёритган.

<sup>1</sup> Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910: A Comparison with British India. – Oxford: Oxford University Press, 2008; Levi S.C. The Bukharan Crisis: A Connected History of 18<sup>th</sup> Century Central Asia. – Pittsburg: University of Pittsburgh Press, 2020; Ukten S.S. Buhara Hanligi'nin askeri teşkilati (1500-1868). – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2018.

<sup>2</sup> Куделин А.Б. Арабская литература. Поэтика, стилистика, типология, взаимосвязи. – Москва: Языки славянской культуры, 2003. – С. 12.

<sup>3</sup> Мирзо Абдулазим Сомий. Тухфайи шоҳий. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти Асосий фонди қўлёзмаси, инв. № 2091.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сонли “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора тadbирлари тўғрисида” 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимги ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-tadbирлари тўғрисида”ги фармон ва қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига кўра бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, совет даврида ўтмиш меросини, айниқса, диний-ахлоқий мавзудаги асарларни ўрганишда чекловлар мавжуд эди. Шунингдек, сарой шоири ва тарихчиларига ҳукмдорларнинг маддоҳлари сифатида қаралар ва уларнинг ижодини ўрганиш ҳам маъқулланмасди. Айнан Бухоро амирлари таъқибига учрагани учун ҳам Аҳмад Дониш, Мирзо Сомий ва Садр Зиё ижодини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилди. Зеро, Аҳмад Дониш амир Музаффар, Мирзо Сомий эса амир Абдулаҳад саройидан четлаштирилган, Садр Зиё эса ислохот тарафдори ўларок амир Олимхон томонидан мансабидан туширилган эди. Совет ҳукумати мафкурачилари томонидан янги тузум афзалликларини тарғиб қилишда амирлик бошқарувидаги адолатсизликлардан усталик билан фойдаланилди. Масалан, Аҳмад Дониш ва Мирзо Сомийнинг саройдан қувилганлари орқасида аламзадалик кайфиятида ёзган танқидий асарлари кенг тарғиб қилинди<sup>4</sup>.

Садриддин Айний ўзининг тарихий-адабий асарларини яратишда Мирзо Сомий меросига юзланган ва улар ҳақида маълумот берган<sup>5</sup>. 1947 йилда Сомийнинг “Тарихи салотини манғитийа” асари ҳақида Г.Н. Чабров<sup>6</sup> ҳамда З.Р. Ражабовнинг мақолалари чоп этилди<sup>7</sup>. Ҳар икки муаллиф ҳам асарнинг ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида 1458 ашё рақами остида сақланаётган қўлёзмаси хусусида фикр юритганлари ҳолда, уни “Тухфайи шоҳий” деган

<sup>4</sup> Аҳмад Махдуми Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салотини хонадони манғитийа / Ба саъй ва ихтимом ва тасҳеҳи Абдуғани Мирзоев. – Сталинобод: Нашриёти давлатии Тожикистон, 1960; Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург / Подготовка текста и комм. Р. Хади-Заде. Пер. с таджик. М.Н. Османова и Л.М. Демидчик. – Душанбе: Таджикгосиздат, 1960; Аҳмад Дониш. История мангитской династии / Пер., предис. и прим. И.А. Наджафовой. – Душанбе: Дониш, 1967.

<sup>5</sup> Sadr al-Din Ayni. Bukhara inqilabining ta'rixi / Ed. by Shizuo Shimada, Sharifa Tosheva. – Tokyo: The University of Tokyo, 2010. – Б. 27-30; С. Айний. Намунаи адабиёти тожик. – Москва: Госиздат, 1926. – Б. 335-339; Айний С. Тарихи амирони манғитийа Бухоро // С. Айний. Куллиёт. Ж. 10. – Душанбе: Ирфон, 1966. – Б. 319; Ўша муаллиф. Эсдаликлар // С. Айний. Асарлар. 8 жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 23.

<sup>6</sup> Чабров Г.Н. Новый источник по истории Бухарского ханства // Бюллетень АН УзССР. – 1947. – № 3. – Б. 23-25.

<sup>7</sup> Ражабов З.Р. Мирзо Азим Сомий ва осори у // Шарқи сурх. – 1947. – № 5. – Б. 26-30.

нотўғри ном остида тилга олишган. Асарнинг ўзида муаллиф томонидан унга ном берилмагани сабабли, бу асар “ЎзССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари тўплами”нинг 1952 йилда нашр этилган 1-жилдида ҳам “Тухфайи шоҳий” номи билан тавсиф этилган<sup>8</sup>. “Тарихи салотини манғитийа” шарқшунос олима Л.М. Епифанова томонидан диссертация иши доирасида ўрганилди<sup>9</sup> ҳамда 1962 йили асарнинг русча таржимаси факсимилеси билан бирга нашр этилди<sup>10</sup>. Олиманинг 1965 йилда чикқан рисоласида шу даврда Бухоро амирлигида яратилган бир нечта тарихий асарлар қаторида Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилган<sup>11</sup>.

XX аср бошларидаги Бухоро маданий муҳитидан хабардор бўлган шарқшунос И. Одилов “Тухфайи шоҳий”ни тавсифлар экан, Сомий ушбу асарини амирнинг буйруғи билан ёзган ва унга топширган, дея маълумот беради ва асарни Бухоро тарихининг “расмий версияси” сифатида баҳолайди<sup>12</sup>. И. Одиловнинг шу хулосаси асосида “Тухфайи шоҳий” муаллифи сарой тарихчиси, асар эса расмий тарихлар қаторига қўшиб қўйилди ва асар узоқ йиллар тадқиқотчилар диққатидан четда қолди. Тарихнависнинг “Тухфайи шоҳий”дан биров кейинроқ, яъни 1324/1906 йилда таълиф этган “Тарихи салотини манғитийа” асарида Бухоро амирлари фаолияти танқидий ёритилгани назарда тутилиб, у “норасмий версия” сифатида танилди. Шу сабабли совет даврида айнан кейинги асар атрофлича ўрганилди.

Мирзо Сомийнинг адабий асарлари адабиётшунос ва тилшунослар томонидан ҳам тадқиқ этилган. Жумладан, тожикистонлик олима З. Ҳасанова Сомийнинг иншо жанрига оид асарларини диссертация шаклида ўрганган<sup>13</sup>. Р. Набиев ва Г. Ахророва эса ўз диссертацияларида Сомийнинг адабий мероси ва бадиий маҳоратини тадқиқ этганлар<sup>14</sup>. Бироқ, юқорида қайд этилганидек, Сомий ҳақида мустақилликкача яратилган тадқиқотларнинг барчаси ҳукмрон мафкура таъсиридан холи бўлмаган.

Манғитлар даври манбаларини таҳлил қилган А. фон Кюгельген илк бор манбаларга фақат “сиёсий қолипни тикловчиси” сифатида қараш анъанасидан воз кечди<sup>15</sup>. Бироқ у Мирзо Сомийнинг ижодини таҳлилга тортмади. Америкалик олима Жо-Энн Гросс бир мақоласида Мирзо Абдулазим

<sup>8</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. I / Под. ред. А.А. Семенова. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1952. – № 235.

<sup>9</sup> Епифанова Л.М. Неофициальная версия истории Бухары Мирза Абдулазима Сами “Тарих-и салатин-и манғитийа-и дар ас-салтана-и Бухара-и шариф” (2-я половина XIX века): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1959.

<sup>10</sup> Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и манғитийа (История мангытских государей) / Изд. текста, пред., пер. и прим. Л.М. Епифановой. – Москва: ИВЛ, 1962.

<sup>11</sup> Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России (Бухара) / Под ред. и при участии А. Урунбаева. – Ташкент: Фан, 1965. – Б. 22-43.

<sup>12</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. I. – № 236.

<sup>13</sup> Хасанова З.Ш. Соми и теория эпистолярного стиля в таджикской литературе XIX в.: Автореф. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 1976.

<sup>14</sup> Набиев Р. Язык “Тарихи салатини манғития Мирза Азима Сами”: Автореф. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 1973; Ахророва Г. Соми и его литературное наследие.: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988.

<sup>15</sup> Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии Мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алмата: Дайк-пресс, 2004.

Сомийнинг дунёқараши ва тарихий тушунчаларини таҳлил қилади<sup>16</sup>. Аммо шуни айтиш лозимки, Жо-Энн Гросс бу ишида “Тарихи салотини манғитийа”нинг Л.М. Епифанова томонидан амалга оширилган нашри ҳамда шу давр тарихига доир ғарб тилларидаги тадқиқотлар билан чекланиб, “Тухфайи шоҳий” маълумотларидан фойдаланмаган. Шунингдек, ўзбекистонлик тарихчилардан А. Одилов Бухоро амирлигида рус босқинчиларига қарши олиб борилган курашларга доир номзодлик диссертациясида ушбу курашларга кенг ўрин ажратувчи “Тухфайи шоҳий”дан фойдаланмай, Мирзо Сомийнинг “Тарихи салотини манғитийа” маълумотлари билан чекланган<sup>17</sup>.

2010 йилда Эронда “Тухфайи шоҳий”нинг матни Нодира Жалолий томонидан сўзбоши ва кўрсаткичлар билан нашр этилди. Сўзбошида ношир Бухоронинг Манғитлар даври тарихи ҳамда Эрон билан муносабатларини ёритишга кўпроқ эътибор қаратгани ҳолда, муаллиф ва асар мазмунига жуда қисқа тўхталган<sup>18</sup>.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Чор Россияси босқини даврида Бухоро амирлиги тарихини ёритувчи энг асосий манбалардан бири бўлган “Тухфайи шоҳий” асари Л.М. Епифанованинг тавсифий мазмундаги рисоласида келтирилган маълумотларни ҳисобга олмаганда, ҳали илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган. Жумладан, муаллифнинг ёндашувлари, унинг тарихнинг “муқобил тавсифи”га қўл ургани сабаблари, атрофдаги воқеаларни тушуниши, Россия империясининг “муслмонлар устидан ғалаба қозонгани” сабаблари ва шунга ўхшаш бу даврнинг “қайноқ” муаммолари яна четда қолган, Мирзо Сомийнинг портретини яратишда, асарининг чуқур моҳиятини очиб беришда ундан фойдаланилмаган.

Сўнгги ўн йиллар давомида Ўзбекистонда илгариги ҳукмрон ғоялар таъсирида бир тарафлама ўрганилган айрим давр ва воқеалар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар яратилди ҳамда бир қатор тарихий манбалар нашр этилди<sup>19</sup>. Шунингдек, жаҳон шарқшунослигида ҳам Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон тарихини ёритишда муҳим натижаларга эришилди<sup>20</sup>. Аммо ёзма манбаларни ўрганишда уларни ўз замонининг “маданий кодини” англашда муҳим ёрдамчи эканини тушунишдан ҳалигача йироқмиз,

<sup>16</sup> Jo-Ann Gross. Historical memory, cultural identity, and change: Mirza ‘Abd al-‘Azim Sami’s representation of the Russian conquest of Bukhara // *Russia’s Orient, imperial borderlands and peoples* / Eds. D.R. Brower and E.J. Lazzerini. – Bloomington, 1997. – P. 203-226.

<sup>17</sup> Одилов А. Бухоро амирлигида миллий озодлик ҳаракатлари тарихи (Абдумалик тўра бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати мисолида): Тарих фанл. номз. ... автореф. – Тошкент, 2003.

<sup>18</sup> Mirza ‘Abd al-‘Azim Bustani Bukharayi. *Tuhfa-yi Shahi*, edited by Nadira Jalali. Tehran: Anjuman-i athar va mafakhir-i farhangi, 2010.

<sup>19</sup> Қар.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: Ҳ. Содиқов, Р. Шамсутдинов, П. Равшанов, Қ. Усмонов. – Тошкент: Шарқ, 2000; Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент: Yangi nashr, 2010; Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. – Тошкент: Академнашр, 2010; Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2009.

<sup>20</sup> *Zafarname-yi Xosravi*. Unkown Author. Edited by Dr. Manucehr Sotude. – Техрон: Ayene-ye miras, 1999; Karmīnagī Muḥammad Qāzī Vafā. *Tuḥfat al-khānī* / Ed. Mansur Sefatgol. – Tokyo: ILCAA, 2015; Morrison A.S. *Russian Rule in Samarkand*; Skott C.L. *The Bukharan Crisis*; Ukten S.S. *Buhara Hanligi’nin askeri teşkilati*.

зеро жаҳон олимлари томонидан жорий этилган бир қатор янги услублар<sup>21</sup> Ўзбекистон олимлари томонидан жуда кам ишлатилади. Ваҳоланки, айнан шу замонавий ёндашув ва тарихга янги қарашлар ўтмишни тўлақонли англашда катта ёрдам беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ФА-Ф8-22 “Марказий Осиё халқлари тарихи, фани ва маданияти тарихига оид манбалар тадқиқи (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёзмалари асосида)” фундаментал лойиҳаси (2007–2011) ва ЎзР ФА Миллий археология маркази “Фанлараро бўлими”нинг “Ўзбек ўзлигининг шаклланиши ва ривожланиши: антропологик изланишлар доирасида” мавзуси (2021-2022) режалари билан боғлиқ.

**Тадқиқотнинг мақсади** Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асарини манбашунослик ва тарихшуносликнинг янги усуллари ёрдамида таҳлил қилиш орқали Бухоро амирлиги тарихининг мавҳум жиҳатларига ойдинлик киритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги тарихнавислик мактабининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш ҳамда Мирзо Сомийнинг ҳаёти, илмий мероси ва тарихий қарашларига оид мавжуд маълумотларни умумлаштириш, ҳалигача номаълум бўлган жиҳатларини ўрганиш;

“Тухфайи шоҳий” ва “Тарихи салотини манғитийа” асарларини қиёсий тадқиқ этган ҳолда “Тухфайи шоҳий” асарини манбашунослик жиҳатидан таҳлил этиш, унинг манбалари ва расмий характерини очиб бериш;

“Тухфайи шоҳий” маълумотлари асосида Россия истилоси арафасида мамлакатнинг ички сиёсий аҳволини ҳамда амирликнинг Сирдарёдан то Зирабулоққача бўлган ҳудудларининг рус кўшинлари томонидан босиб олиниши тафсилотларини таҳлил қилиш;

Тадқиқ этилаётган манба маълумотлари ва архив материалларига таянган ҳолда мамлакатда Рус – Бухоро уруши даврида ва ундан кейин олиб борилган халқ озодлик ҳаракатларини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тухфайи Шоҳий” асари танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Мирзо Абдулазим Сомийнинг таржимаи ҳоли, тарихчи ва шоир сифатидаги фаолияти, унинг “Тухфайи Шоҳий” Тухфайи Шоҳий” ва бошқа асарларида келтирилган тарихий маълумотлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияни ёзишда тарихийлик, тизимлилик, холислик каби усуллар, хусусан, қиёсий-тарихий ва герменевтик таҳлил, синтез, ретроспектив анализ каби усуллар қўлланилди.

---

<sup>21</sup> Фарб ва Шарқ олимларининг манбашуносликдаги янги методологиялар ҳақида қар.: Кюгельген Анке фон. Легитимация среднеазиатской династии мангитов. – С. 12-37.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Тухфайи шоҳий” асарининг Бухоро манғитлари сулоласи тарихининг айна даврини ёритувчи “Дахмаи шоҳон”, “Тарихи салотини манғитийа”, “Тухфайи хоний”, “Тарихча” ва “Тарихи Салимий” асарлари билан қиёсий, герменевтик ва тарихий таҳлили асосида унинг расмий сарой руҳида ёзилганига қарамай, муаллиф айрим манғит амирларига нисбатан танқидий баҳо бергани ҳамда Абдумалик тўра, Оллоҳёр девонбеги, Бобон бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракатларини холис ёритгани аниқланган;

“Тухфайи шоҳий”ни ёзишда муаллиф асосан “Тухфайи хоний”, “Гулшан ал-мулук”, “Тарихи манзум”, “Футухоти амир Маъсум ва амир Ҳайдар”, “Зафарномаи хусравий” каби асарлардан, айрим ҳолларда эса оғзаки маълумотлардан ҳам фойдалангани исботланган;

Мирзо Сомийнинг барча асарлари маълумотларига таянган ҳолда унинг вафоти ва саройдан четлаштирилиши саналари, исми, тахаллуслари аниқланиб, шу туфайли “Тазкират ал-фузало” асари унинг қаламига тегишли эмаслиги, “Масобиҳ ал-фикр фи вужуб ас-сайр ва-н-назар” асари таржимаси эса у томонидан бажарилгани кўрсатилган;

“Тухфайи шоҳий” маълумотлари асосида Чор Россияси томонидан Бухоро амирлигининг истило этилиши арафасида мамлакатдаги мураккаб ички аҳвол – Ҳисорда 1863 йилда амир Музаффар томонидан ўтказилган қирғин, Самарқанд шаҳар аҳолисининг ҳокимдан норозилиги орқасида губернатор номига мактуб ёзиши, Тиллакори мадрасасида халқ билан қўшин орасидаги қонли тўқнашувлар каби омиллар амирликнинг Чор Россияси томонидан босиб олинишини енгиллаштиргани исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асарининг илмий таҳлилин аналга ошириш XIX аср иккинчи ярмида Бухоро амирлиги тарихининг бир қатор масалаларига ойдинлик киритиш имконини берган. Асарнинг оригинал қисмидаги маълумотлар бошқа манбалар билан қиёсланган ҳолда таҳлил қилиниб, мамлакатнинг ички аҳволи, муҳим иқтисодий ва ҳарбий марказлар бўлиши Бухоро ва Самарқанд шаҳрида ҳамда Шарқий Бухоро бекликларидаги сиёсий вазият ёритилган. Бундан ташқари, мамлакатда уруш даврида ва ундан кейин олиб борилган халқ озодлик ҳаракатларининг ҳозиргача мавҳум бўлиб келган бўшлиқ ерлари ўрганилаётган манба маълумотлари ва архив материалларига таянган ҳолда тўлдирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда ҳар бир масала қўлёзма манбалар материаллари билан изоҳланиб, бу мавзуда амалга оширилган илмий тадқиқотлардаги фикр-мулоҳазалар жалб қилингани, тарих фанида тан олинган усуллар ва назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, кенг қўламли тарихий илмий адабиётлардан фойдаланилганлик билан ўз тасдиғини топган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Тухфайи шоҳий” қўлёзмасини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши ва унинг тарихий манба сифатидаги аҳамиятининг очиб берилиши, шунингдек, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ишончлилиги манбашунослик усуллари, хусусан,

қиёсий-тарихий ва герменевтик таҳлил орқали ўз исботини топганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, биринчидан, у Бухоро амирлигининг Россия истилосидан олдинги ва кейинги даврлардаги энг кам ўрганилган саҳифаларини қайта тиклашга ёрдам беради. Иккинчидан, бир муаллифнинг бир нечта асарларини герменевтик таққослаш услубини қўллаган ҳолда ўрганиш ёш тадқиқчилар учун ўзига хос “мавзуга кириш” ролини бажаради. Учинчидан, диссертацияда жамият ҳаётининг урф-одат ва кадриятлари, ижтимоий ва сиёсий ахлоқ тамойиллари ҳақида янги қўлга киритилган материаллар ўша давр халқларининг идентиклиги, диний ва маданий тарихини ўрганаётган мутахассислар учун ишончли маълумот бера олади. Диссертация материалларидан бакалавр-тарихчи талабалар учун “Ўзбекистон тарихи”, “Манбашунослик”, “Тарихий ўлкашунослик”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанлари ҳамда магистратура босқичидагилар учун “Ўзбекистон тарихи” фанидан ўқув қўлланмалар ва дарсликларни яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асари тарихий манба сифатида” мавзусини ўрганишда эришилган натижалар:

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида маҳаллий тарихнавислик ва унинг ўрганилиши ҳақидаги маълумотлардан ЎзР ФА Тарих институтида 2012–2013 йилларда бажарилган ИФА-2012-1-13 рақамли “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси (3- ва 4-жилдлар)” инновацион лойиҳасида фойдаланилган. Хусусан, лойиҳанинг “Маҳаллий манбалар” қисмида Мирзо Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асари ҳамда Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилобининг тарихи” асарлари ҳақида кенг маълумот келтирилиши билан бирга, ҳар икки асардан таржималар ҳам берилган. Мирзо Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” ва “Тарихи салотини манғитийа” номли асарларида келтирилган маълумотларни ўша даврда Бухорода ижод қилган бошқа тарихнавислар асарлари билан қиёсий ўрганиш 1860–1920 йилларда Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт тарихини кенг қамровли ва холис ёритишга хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 15 июндаги 3/1255-1381-сонли маълумотномаси).

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги “Ўзбекистон тарихи” каналидаги чиқишларда Бухоро амирлигида яратилган қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш жараёнида аниқланган янгиликлардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 12 декабрдаги 02-40-1841-сонли маълумотномаси). Бу кўрсатувлар Бухоро амирлигида ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар, давлатчилик анъаналари, уларнинг ўзаро таъсири тўғрисида тушунчалар ҳосил бўлишида ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуман ва семинарларда, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши.** Диссертация мавзуси бўйича йигирмадан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинди. Шулардан 17 таси республика ва 3 таси чет эл журналларида чоп этилган, 2 та мақола тўпламлардаги илмий тезис ҳамда мақолаларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, иловалар ва эълон қилинган ишлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 163 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мирзо Абдулазим Сомий: у яшаган давр ва асарлари”** деб номланиб, унда Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва унинг Сомий ижодига таъсири, амирликдаги тарихнавислик анъаналари, муаррих томонидан ёзилган тарихий асарлар бошқа тарихнависларнинг асарлари билан қиёсий ўрганилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Бухоро манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даври илк муаррихлар ва Мирзо Сомий нигоҳида” деб номланган. Маълумки, манғит ҳукмдорлари ташқи ва ички сиёсатда мураккаб бир вазиятга дуч келишган. Бухоро учун бир тарафдан, борган сари кучайиб бораётган инглиз ва рус мустамлакачилари таҳликаси, иккинчи тарафдан, Қожорлар Эрони билан чегара муаммолари, бошқа бир тарафдан эса Хива ва Кўкон хонликлари билан Марв, Хўжанд, Ўратепа учун ҳудудий талашувлар жиддий муаммо туғдирарди. Бунинг устига, мамлакат ичкарасида кенагас уруғи вакилларининг марказий ҳокимиятга қарши чиқиб, Бухородан Шаҳрисабзни ажратиб олишга уринишлари давом этарди. Илк манғит солномачилари маълумотлари ҳамда Мирзо Сомийнинг иккала тарихий асарига таянган ҳолда, ушбу сулола вакилларининг кўпчилиги амирлик ҳудудини кенгайтириш сиёсатини олиб боргани, жануби-шарқда Бадахшондаги тоғлик элатларни, ғарб ва жануби-ғарбда эса туркман қабилаларини бўйсундиришга эришиб, улар яшайдиган ҳудудларнинг Бухоро тасарруфига ўтиши воқеалари ёритиб берилди. Ички ва ташқи қарама-қаршилиқларга қарамай, Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоронинг Ўрта Осиёдаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги мавқеи қайта тикланганига урғу берилди.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида маҳаллий тарихнавислик ва унинг ўрганилиши” деб номланган. Бунда ижтимоий-сиёсий таназул сабаб тарихнавислик бир муддат инқирозга юз тутгани, тарихий асарлар деярли яратилмагани, аммо бироз жимликдан сўнг кўп йиллик анъаналарни давом эттирган профессионал тарихчилар қаторида фавқулодда бир қизиқиш ва ғайрат билан ижтимоий келиб чиқиши, касби, ёши, дунёқарашлари турлича бўлган ҳаваскор тарихчиларнинг

ҳам етишиб чикиши жараёни динамикаси таҳлил этилди. Бу тарихнавислар плеядаси орасида Аҳмад Дониш (1827-1897), Мирзо Сомий, Мирзо Салимбек (1850-1930), Садр Зиё (1867-1931) каби йирик муаррихлар билан бир қаторда Тамкин Бухорий, Абдулазим Шаръий (1839-1893), Қори Раҳматуллоҳ Возих (1818-1894), Мирзо Сиддиқ Ҳишмат, Носириддин тўра каби ҳаёти ва ижоди етарлича ўрганилмаганлари ҳам бор.

Бу давр тарихчилари тарихнавислик соҳасидаги кўп асрлик анъаналарни давом эттирганлари ҳолда ҳукмдорлар фаолиятини танқидий ёритиш тажрибасини бошлаб бердилар. Буни Аҳмад Дониш<sup>22</sup>, Мирзо Сомий ижодида ҳамда ҳажнома жанридаги асарлар мисолида кузатиш мумкин<sup>23</sup>. Мирзо Сомий кўпроқ сиёсий воқеаларни қаламга олган бўлса, Аҳмад Дониш ўзининг ислохотчилик ғояларини илгари сурди. Мирзо Салимбек<sup>24</sup> эса, Бухоронинг Россия тасарруфига тушгандан кейинги иқтисодий аҳволини ёритишга эътибор берган. Садр Зиё<sup>25</sup>, Абдулазим Шаръий<sup>26</sup>, Тамкин Бухорий<sup>27</sup>, Ҳамид ибн Бақо Хожа<sup>28</sup>, Қори Раҳматуллоҳ Возих<sup>29</sup> амирликдаги сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётни тасвирлаш билан чекланмай, Бухоро ҳамда бошқа қатор мамлакатлар (Туркия, Эрон, Ҳиндистон) тарихи ва жуғрофиясини ҳам ёритишга ҳаракат қилганлар<sup>30</sup>.

Бу даврда профессионал тарихчилар билан бир қаторда бир қанча ҳаваскор тарихчилар ҳам ижод қилишган. Амир Музаффарнинг учта ўғли – Мир Сиддиқ

<sup>18</sup> Қар.: Аҳмад Махдуми Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салотини хонадони манғитийа / Ба саъй ва ихтимом ва тасхеҳи Абдуғани Мирзоев. – Сталинобод: Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1960; Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург / Подготовка текста и комм. Р. Хади-Заде. Пер. с тадж. М.Н. Османова и Л.М. Демидчик. – Душанбе: Таджикгосиздат, 1960; Аҳмад Дониш. Наводиру-л-вақоъ. Китоби 1. – Душанбе: Дониш, 2017; Аҳмад Дониш. Наводиру-л-вақоъ. Китоби 2. – Душанбе: Дониш, 2017.

<sup>23</sup> Tosheva Sh. The Pilgrimage Books of Central Asia: Routes and Impressions // Central Asian Pilgrims: Hajj Routes and Pious Visits between Central Asia and the Hijaz / Eds. Alexandre Papas, Thomas Welsford, Thierry Zarcone. – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2011. – P. 234-249.

<sup>24</sup> XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб ижод этган муаррихлардан яна бири Мирзо Салимбекнинг тарихий асарлари “Кашкули Салимий” ва “Тарихи Салимий” номлари билан маълум. “Тарихи Салимий” Н. Норқулов томонидан диссертация иши доирасида ўрганилган ва рус тилига ўгирилган (Мирза Салимбек. Тарихи Салими / Пер. с персидского, вводная статья и прим. Н.К. Норкулова. – Ташкент: Академия, 2009).

<sup>25</sup> Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг “Тарих”, “Мунтахаб ат-таворих”, “Рўзнома каби асарлари Бухоро тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Қар.: ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари, №№ 2241/II, 1304/II; 2193/V; 2277.

<sup>26</sup> Ҳожи Абдулазим ибн Мансурхон ибн Абдулвосихон Шаръий Бухорий (XIX асрнинг иккинчи ярми) “Айн ат-таворих” асарида ўзи ёзган “Мабдаъ ал-улум”, “Асли ҳунар”, “Мақд ал-хабар”, “Ажзо ул-улум”, “Асл ал-калом” каби турли мавзуларга оид йигирмага яқин асарлар номларини қайд этиб, уларнинг баъзиларини ёзиб тугатгани, баъзиларини эса энди таълиф этишга киришганини хабар беради.

<sup>27</sup> Бухоролик шоир ва мударрис Мулло Абдурахмон Тамкин “Матоле ал-фоҳира ва матолиб аз-зоҳира” номли тарихий-жуғрофий асар муаллифидир. Қар.: ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 8245.

<sup>28</sup> Ҳамид ибн Бақо Хожанинг ягона нусхада сақланиб қолган “Танзил ал-амсол фи зикри баён ал-аҳвол” номли мемуар асари 1928 йилда ёзиб тугалланган. Асарда чор Россияси мустамлакаси даврида пахта етиштириш, жун, қорақўл тери ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, шунингдек, ўша даврнинг машхур шахслари, Бухоро мадрасалари тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Қар.: ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 602.

<sup>29</sup> Бухоролик тараққийпарвар адиб Қори Раҳматуллоҳ Возихнинг тарихий-географик мавзуга оид “Ғаройиб ал-хабар фи ажойиб ас-сафар” асаридир (ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари, №№ 110, 2106, 2336/II, 2343/II). Возих бу асарида 1886 йилги ҳаж сафари давомида ўзи тўхтаб ўтган шаҳар ва кишлоқлар, улар аҳолисининг урф-одатлари ва эътиқодлари, иқтисодий ҳаётини тасвирлайди.

<sup>30</sup> Эсонова Ш. Бухоро амирлиги тарихнавислари // Шарқшунослик. – 1997. – № 8. – 177-188-бетлар.

Ҳишмат<sup>31</sup>, Саййид Муҳаммад Носир<sup>32</sup> ва амир Абдулаҳадлар<sup>33</sup> шулар жумласидандир. XX аср бошларига келиб, Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айнийлар янги замон талабларига жавоб берган ҳолда ўз асарларини тартиб бердилар. Бир сўз билан айтганда, бу давр тарихнавислари анъанавий ва замонавий тарихчиликни боғлайдиган муҳим бир бўғин вазифасини бажардилар.

Биринчи бобнинг “Мирзо Сомийнинг ўз даври ижтимоий-сиёсий тарихидаги ўрни ва тарихнавислик фаолияти хусусида” деб номланган учинчи параграфиди Мирзо Сомийнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-адабий мероси, унинг тарихнавис бўлиб шаклланишига таъсир этган омиллар хусусида сўз боради. Мирзо Сомийнинг таржимаи ҳолига оид қисқа маълумотлар, аввало, унинг ўз асарларида<sup>34</sup>, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида яратилган тазкираларда<sup>35</sup> ҳамда замондошларининг хотираларида<sup>36</sup> учрайди. Бироқ Мирзо Сомийнинг ёзма мероси хусусида манба ва адабиётларда бирмунча зиддиятли маълумот ва фикрлар бор. Жумладан, бошқа муаллифлар асарларини унга нисбат бериш ёки аксинча, унинг қаламига мансуб асарлар ва таржималарни зикр этмаслик каби ҳолларга гувоҳ бўлиш мумкин. Тазкиралар маълумотларига таянилса, куйидаги асарлар Сомийга нисбат берилади: “Миръот ал-яқин”, “Фазихот аш-шиъа”, “Тухфайи шоҳий”, “Дахмайи шоҳон”, “Танзиҳ ал-иншо”, “Маношир ал-аълум”, “Аълум ан-нос”нинг таржимаси, “Масобих ал-фикр”нинг “Мафотих ал-абр” деб номланган шарҳи, “Тазкират ал-фузало”<sup>37</sup>. Сомий ижоди билан шуғулланган тадқиқотчилар унинг асарлари ҳақида тўлиқ маълумот беришмаган. Эҳтимол, улар шу тазкиралардаги маълумотларни ўқишмаган ёки ўқишган бўлса-да, Сомийнинг “Миръот ал-яқин”, “Фазихот аш-шиъа”, “Маношир ал-аълум” каби асарларини ёки “Аълум ан-нос” ва “Масобих ал-фикр”нинг у томонидан амалга оширилган таржималарини тополмаганлар ва шу боис бу асарлар ҳақида умуман маълумот

<sup>31</sup> ЎзР ФА Шарқшунослик институтида Мир Сиддиқ Ҳишматнинг рисола, тазкира ва эсдаликлари сақланади. Жумладан, 2663 рақамли қўлёзма Ҳишматнинг қоралама дафтари бўлиб, ундан муаллифнинг “Амир Музаффар ва Амир Абдулаҳаднинг вазири Остонақулбекнинг таржимаи ҳоли” (44<sup>б</sup>-50<sup>а</sup>-в.), “Зайли тарихи Муқимхоний”, “Баёни аҳволи салотини Ўзбакийа” (53<sup>б</sup>-97<sup>б</sup>-в.)<sup>31</sup>, “Ҳишматнинг автобиографияси” (117<sup>б</sup>-140<sup>а</sup>-в.) асарлари ўрин олган.

<sup>32</sup> Саййид Муҳаммад Носирнинг “Таҳқиқоти арки Бухоро ва салотин ва умаройи у” (“Бухоро арки, унинг султонлари ва амирлари ҳақида тадқиқот”; ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 19) ва “Осор ас-салотин” (“Султонлар ҳақида хотиралар”; ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 1422) каби тарихий асарлари муҳимдир. Биринчи асар Ғ. Каримов ва С. Ғуломовлар томонидан ўзбек ҳамда рус тилларига таржима қилиниб, факсимилеси билан нашр этилди (Саййид Муҳаммад Носир Ибн Музаффар. Таҳқиқоти арки Бухоро / Форс тилидан ўзбек ва рус тилига таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар Ғ. Каримов ва С. Ғуломовларники. – Тошкент: Тафаккур, 2009).

<sup>33</sup> ЎзР ФА Шарқшунослик институтида амир Абдулаҳаднинг Петербург сафарлари хотираларини ўз ичига олувчи иккита кундалиги сақланмоқда (ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2869; 4316).

<sup>34</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 3<sup>а</sup>-6<sup>а</sup>, 167<sup>б</sup>, 178<sup>б</sup>, 191<sup>б</sup>, 216<sup>а</sup>, 225<sup>а</sup>, 274<sup>а</sup>, 298<sup>а</sup>; Мирза Сами. Тарих-и салотин-и манғитийа. – В. 78<sup>б</sup>, 79<sup>а</sup>, 80<sup>б</sup>.

<sup>35</sup> Афзал Пирмастий. Тазкират уш-шуаро. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 7279. – В. 35<sup>б</sup>-36<sup>а</sup>; Мир Муҳаммад Ҳишмат. Тазкират аш-шуаро. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2728, – В. 79<sup>б</sup>; Неъматуллоҳ Мухтарам. Тазкират аш-шуаро. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2252/2. – В. 112<sup>б</sup>-113<sup>а</sup>; Раҳматуллоҳ Возех. Тазкират ал-асҳоб. Тошкент, 1913. – Б. 318; Садр Зиё. Тазкор ал-ашъор. Бухоро музейи қўлёзмаси, № 1681. – В. 90<sup>а</sup>-<sup>б</sup>; Садр Зиё. Шуарои мутааххирин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2193. – В. 334<sup>а</sup>.

<sup>36</sup> Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва, 1926. – Б. 335; Айний С. Эсдаликлар. – Б. 23.

<sup>37</sup> Ҳожи Неъматуллоҳ Мухтарам. Тазкират аш-шуаро. – В. 112<sup>а</sup>-113<sup>б</sup>; Садр Зиё. Шуарои мутааххирин ва фузалои муосирин. Инв. № 2193. – В. 334<sup>а</sup>.

бермасликни маъкул кўришган. Шунингдек, Ҳожи Абдулазим Шаръий қаламига мансуб “Тазкират ал-фузало”<sup>38</sup> тазкираси Абдулазим Сомийга нисбат берилган<sup>39</sup>.

Мирзо Сомий ўқимишли тарихчи. У Шарқ халқлари тарихига оид “Табақоти Носирий”<sup>40</sup>, “Равзат ас-сафо”<sup>41</sup>, “Миръот ал-олам”, “Тарихи Фаришта”<sup>42</sup>, “Мифтоҳ ут-таворих”<sup>43</sup> “Носих ут-таворих”<sup>44</sup> каби тарихий асарларни ёшлигидаёқ ўқиб чиққани ҳақида маълумот берган<sup>45</sup>.

Мирзо Сомий умрининг асосий қисми сарой хизматида кечди. Маълумки, муайян шахснинг эгаллаб турган мансаб-мавқеи, касб-кори ва жамиятдаги ўзгаришлар унинг дунёқарашига таъсир кўрсатади. Чунончи, Мирзо Сомий ижодий меросининг бир қирраси бўлган ва уни тарихнавис сифатида машҳур қилган “Дахмайи шоҳон”, “Тухфайи шоҳий” ва “Тарихи салотини мангитийа” каби учала тарихий асарларини саройдан четлаштирилганидан сўнг ёзган бўлишига қарамай, уларда расмий руҳ сезилиб туради. Сомий сарой хизматидан ҳайдалганидан сўнг Бухоронинг илғор фикрли зиёлилари гуруҳларига яқинлашади. Айний Садр Зиёнинг уйидаги йиғинларда Сомийнинг ҳам қатнашганини эътироф этади. Табиийки, Бухоро тараққийпарварларининг таъсирида у воқеликларга танқидий кўз билан қарай бошлайди. Ҳатто бир шеърда у арк дарвозасини ўлим дарвозасига ўхшатади: “Сен иззат-икром билан чиқиб келаётган бу дарвоза, Арк дарвозаси эмас, ўлим дарвозасидир”<sup>46</sup>.

Мирзо Сомий дунёқарашида “одил ҳукмдор”, “адолат ва инсоф” тушунчалари давлатчиликнинг устувор масаласи сифатида қаралади. Бутун Мавароуннаҳрнинг ғайриислом бир давлат кўшинлари томонидан босиб олиниши тарихчининг идеалларини остун-устун қилиб юборади. У “Фазиҳот уш-шиа” асарини ёзаётганида ислом аҳкомлари ва мусулмончиликнинг ашаддий ҳимоячиси сифатида кўринган бўлса, умрининг охирларига келиб, инсоният учун, айниқса, давлатнинг мавжуд бўлиши учун адолат энг муҳим омил эканлигига иқдор бўлади. У “мусулмон ва кофир, художўй ва гуноҳкор бандаларга Аллоҳнинг муруввати бир хилдир” деб ёзиш даражасига етди. Бандаларининг қандай хулқ-атворли бўлишларидан қатъи назар, Аллоҳни кўпроқ уларнинг давлатни адолат ва тенглик билан бошқаришлари, зулм ва манманликдан воз кечишлари қониқтиради, деб ёзади Сомий<sup>47</sup>.

<sup>38</sup> Ҳожи Абдулазим Шаръий. Тазкират ал-фузало. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 3396/3.

<sup>39</sup> Ҳожи Неъматуллоҳ Мухтарам. Тазкират аш-шуаро. – В. 112<sup>а</sup>-113<sup>б</sup>; Мирза Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа. – С. 18-19.

<sup>40</sup> Абу Умар Минҳожиддин Жузжонийнинг “Табақоти Носирий” асари 1260 йилда ёзилган.

<sup>41</sup> Мир Муҳаммад ибн Саййид Бурҳониддин Мирхонд (1433-1498) “Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбиё ва-л – мулк ва-л-хулафо” (Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи) асарини 1497 йилда ёзган. Яқунланмай қолган асарни муаррихнинг набираси Ғиёсиддин Муҳаммад Хондамир (1473-1534) ниҳоясига етказган.

<sup>42</sup> Бижопур ҳукмдори Иброҳим Одилшоҳ (1580-1627) саройида хизмат қилган тарихчи Муҳаммад Қосим Ҳиндушоҳ Астрободий (вафоти 1623 йилдан кейин)нинг “Тарихи Фаришта” асари (“Гулшани Иброҳимий” ҳам деб аталган) 1606-1611 йилларда ёзилган. Ҳиндистондаги мусулмон ҳукмдорлар тарихига бағишланган.

<sup>43</sup> Абдул Қодир бин Малук Шах Бедауний, “Мифтоҳ ут-таворих”.

<sup>44</sup> Мирзо Муҳаммадтақий Кошонийнинг (1801-1879) “Носих ут-таворих” асари 1842 йилда ёзилган.

<sup>45</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 4<sup>б</sup>.

<sup>46</sup> Ахорова Г. Мирзо Азим Сомий ижодида давр танқиди // Адабий мерос. – 1989. – № 1. – Б. 35.

<sup>47</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 197<sup>б</sup>.

Диссертациянинг “Тухфайи шоҳий” асарининг манбашунослик жиҳатдан таҳлили” номли иккинчи бобининг илк параграфи “Тухфайи шоҳий” асаридаги тарихий маълумотларнинг умумий тавсифи ва таснифи” деб номланади. “Тухфайи шоҳий” асарининг дунёдаги ҳозирча ягона тўлиқ нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2091 ашё рақами остида сақланади. Қўлёзма жами 298 варақдан иборат. Ўлчами 14,5x25,7 см. Қўқон қоғозига, чиройли, йирик настаълик хатида, ҳар бир саҳифада 15 қатордан кўчирилган. Қўлёзма Мирзо Абдуллоҳ котиб Савдой томонидан 1929 йил 26 декабрда кўчириб тугалланган<sup>48</sup>.

“Тухфайи шоҳий” сулолавий жанрда яратилган тарихий асар бўлиб, унда Бухоро амирлигида қарийб 170 йил ҳукм сурган Манғитлар сулоласи даври воқеалари қаламга олинган. Асар 1316-1320/1898-1903 йилларда форс-тожик тилида, насрда ёзилган. Муаллиф асарда амирлик сиёсий ҳаётида юз берган воқеаларни даврий кетма-кетлик асосида ёритиб берган. Ушбу асар илмий адабиётларда “расмий тарих” деб юритилса-да, аслида бу асарнинг тўла маънода расмий тарих бўлиши учун иккита муҳим нарса етишмайди. Биринчидан, асар бирор ҳукмдор ёки ҳукмрон табақага мансуб бирор шахснинг буйруғи ёки буюртмаси билан эмас, балки муаллифнинг шахсий ташаббуси билан ёзилган. Иккинчидан, бу асарни ёзаётганда муаллиф сарой хизматида мунший ёки котиб лавозимида бўлмай, саройдан четлаштирилган эди. Шунга қарамай, асарда сарой тарихнавислик анъаналарига тўла риоя қилинганлиги ва расмий тарихларга хос барча белгилар борлигини кўриш мумкин. Асар илк бор Бухоро Марказий кутубхонасида сақланаётган манбалар қаторида А.А. Семёнов томонидан қисқача тавсифланган<sup>49</sup>. Қўлёзма ЎзР ФА Шарқшунослик институтига келтирилгач, шарқшунос И. Одилов унинг тавсифини амалга оширган<sup>50</sup>.

Мирзо Сомийнинг “Тухфайи шоҳий”ни ёзишдан кўзлаган мақсади ва умуман унинг тарихга муносабатини аниқлашда асарнинг кириш қисмида билдирган фикрлари ўта муҳимдир. Унда муаррих келгуси авлодлар бу “улуғ хонадон” (манғитлар – Ш.Т.) давлатининг воқеаларидан бебаҳра қолмаслиги ва уларнинг “хайрли ишлари” давр саҳифаларидан ўчиб кетмаслиги учун “Тухфайи шоҳий”ни ёзганини қайд этади<sup>51</sup>. Бир пайтлар юқори мансабларда ўтиргани учун ҳам Сомий асарда расмий тарихнинг “вакили” сифатида мавжуд тузумни ҳамда манғит сулоласи вакиллариининг мақтовчиси сифатида чиқишга бурчли эди. “Тухфайи шоҳий”нинг очиқ-ошкора сулолавий ва расмий характери уни “Тарихи салотини манғитийа” билан солиштирганда яққол намоён бўлади.

Бошқа манбалар билан қиёсий ўрганиш натижасида Мирзо Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асари учун “Тухфайи хоний”, “Гулшан ал-мулук”, “Тарихи манзум”, “Футухоти амир Маъсум ва амир Ҳайдар”, “Мусаннафоти Мирзо

<sup>48</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 298<sup>а-б</sup>.

<sup>49</sup> Семенов А.А. Каталог рукописей исторического отдела Бухарской Центральной библиотеки. – Ташкент: Типография № 2 Узгосиздата, 1925. – № 42.

<sup>50</sup> СВР. Т. I. – Тошкент, 1952. – № 235.

<sup>51</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 5<sup>б</sup>-7<sup>б</sup>.

Содиқ Мунший” каби асарлар бирламчи манба вазифасини ўтагани аниқланди. Ўз даври фарзанди бўлган ва ўзининг конфессионал мафкурасига кўра Сомий тарихий воқеалар ва шахсларга баҳо берганда доимо ислом манфаатлари ва ақидалари нуқтаи назаридан келиб чиқади. У ислом дунёси ва Бухоро давлатининг мағлубиятига ачинади ва ўқувчиларга бу мағлубият сабабларини кўрсатишга уринади. Мисол учун, Сомий ўз асарида қайта-қайта рус қўшинининг ҳарбий тактика ва курул-яроқ жиҳатидан устунлигини таъкидлайди. Шунингдек, у баъзи амалдорлар ва лашкарбошиларнинг душманга қарши жангни ташкил этишдаги тажрибасизлиги ва хатоларини ҳам кўрсатиб ўтади. Шунга қарамай, Сомий ўқувчиларга ўзбек қўшинининг тенгсиз жанглarda ватан озодлиги йўлида душманга қарши мардонавор курашганини ҳикоя қилади.

“Дахмайи шоҳон” асарида муаллиф томонидан илгари сурилган манғитлар сулоласи легитимацияси концепцияси” деб номланган иккинчи параграфда Мирзо Сомий томонидан ёзилган илк тарихий асар таҳлил қилинган. Аслида ушбу асар Мирзо Содиқ Мунший Жондорий қаламига мансуб бўлиб, маснавий шаклида ёзилган тарихдир. Мирзо Содиқ аштархоний ҳукмдорлар тарихини қаламга олган, Мирзо Сомий эса унга манғит амирлари тарихини қўшган<sup>52</sup>. Мирзо Содиқнинг “Дахмайи шоҳон”и 385 байт<sup>53</sup>, Сомийники эса 481 байтни ташкил этади<sup>54</sup>. Мирзо Сомий иккала достон учун умумий қилиб ҳамд қисмини ёзган. Бундан ташқари, у Мирзо Содиқ достони матнидан 3 байт чиқариб ташлаб, ўзидан 32 байт қўшган. Шундан 20 байти Аштархоний ҳукмдорлар нутқларига қўшимча бўлса, қолган 12 байти панд-насихат ёки хулосага ўхшаш умумий фикрлардан иборат.

Маълумки, манғит амирлари тарихини ёритувчи кўпгина расмий тарихларда уларнинг ҳокимиятни эгаллашининг легитимлиги турли йўсинда асослаб берилади<sup>55</sup>. “Дахмайи шоҳон” ҳам амирликдаги элита томонидан худди шу “тарихий вазифа”ни бажариш жараёни давом этаётган бир паллада ёзилган. Ҳар иккала муаллиф ҳамма нарса “худонинг мулки” эканлиги, бу мулк тасарруфингда бўлганда адл бажо этиш кераклиги, “бақо дарахти” ва “дунё гули”га эътиمود қўймаслик, шоҳлар ҳаётига “ибрат кўзи” билан боқишнинг тарғиботчиси сифатида кўринса-да, легитимация масаласи асарнинг бош ғоясидир. Жондорий достонда Абулфайзхоннинг давлат ишлари билан шуғулланмай қўйгани боис Муҳаммад Раҳимхон давлат тепасига келганини исботловчи мисоллар келтириши билан унинг ҳукмдорликка ҳуқуқли эканлигини урғулайди. Аммо тарихга бир томонлама ёндашиш, хонлар фаолиятини қора бўёқларда тасвирлаш талаб этилган совет даврида “Дахмайи шоҳон” достонининг бош ғояси бир томонлама талқин қилинди. Достон “салтанат тарихи ва тўрттала”<sup>56</sup> лаёқатсиз амирларнинг таржимаи ҳолини,

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалари. №№ 2188; 1495; 40; 9649; 6799; 5784.

<sup>53</sup> Мирзо Содиқ. Дахмайи шоҳон. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 1792. – В. 1<sup>б</sup>-16<sup>а</sup>.

<sup>54</sup> Мирзо Сомий. Дахмайи шоҳон. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2188. – В. 141<sup>б</sup>-171<sup>а</sup>.

<sup>55</sup> Кюгельген Анке фон. Легитимация среднеазиатской династии мангитов. – С.

<sup>56</sup> Субҳонқулихон, Убайдуллоҳхон, Абулфайзхон, Абдулмуминхон назарда тутилган.

уларнинг айбга тўла қабоҳатли қилмишларини фош этиш” мақсадида ёзилган, деган фикр илгари сурилди<sup>57</sup>. Ҳолбуки, дostonда Субҳонқулихон (1681-1702), Убайдуллохон (1702-1711) фаолияти ижобий кўзқараш билан тасвирланиб, улар “адолат чирогини ёқиб, унда зулм мойини ёндирган”<sup>58</sup> шoҳ сифатида таърифланишган.

Мирзо Содиқ ҳукмронлик аштархонийлардан манғитлар қўлига ўтишида жавобгарликни кўпроқ Абулфайзхон бўйнига юклайди. Сомий эса, Абулфайзхонни ҳар қанча танқид қилса-да, Муҳаммад Раҳимхонни Бухоро тахтига эришиш учун Абулфайзхон ва унинг ўғилларини шафқатсизларча қатл этишда айблайди<sup>59</sup>. Абдулмўминнинг қатл этилишини “Золим Раҳимбийнинг дастидан бу сарвқад беҳиштга равона бўлди”, деб ёзади<sup>60</sup>. Сомий Муҳаммад Раҳимхон ва амир Насруллога салбий баҳо беришига қарамай, Шoҳмурод, амир Ҳайдар ва амир Музаффарга хайрихоҳлик билан қарайди. Хуллас, Жондорий дostonида Муҳаммад Раҳимнинг Бухорода ҳокимият тепасига келиши тарихий эҳтиёж маҳсули эканига диққат қаратгани ҳолда, унда ахлоқий-фалсафий ғоя етакчилик қилса, Сомий унинг фикрларини давом эттиргани ҳолда, Бухоро давлати тепасига келган манғитлар ҳокимиятининг легитимлиги масаласини дostonнинг бош ғояси даражасига кўтарди.

Ушбу бoбнинг учинчи параграфи “Тухфайи шoҳий” ва “Тарихи салотини манғитийа” асарларининг қиёсий таҳлили” деб номланган. “Тухфайи шoҳий” 1898-1903 йилларда, “Тарихи салотини манғитийа” эса ундан бироз кейин, яъни 1906-1907 йилларда таълиф этилган. “Тухфайи шoҳий” асари “Тарихи салотини манғитийа”дан ҳажм ва даврий чегараси жиҳатидан анча кенг. “Тухфайи шoҳий” аштархонийлардан Убайдуллохон (1702-1711) ҳукмронлиги даври воқеалари билан бошланиб, амир Абдулаҳад ҳукмронлигининг илк йилларигача қамраб олади. “Тарихи салотини манғитийа” эса Абулфайзхон (1711-1747) ҳукмронлигининг охириги йиллари воқеалари баёнидан бошланиб, 1906-1907 йиллар воқеалари билан тугалланади.

“Тухфайи шoҳий” билан “Тарихи салотини манғитийа”нинг энг асосий фарқларидан бири легитимация масаласида кўпроқ намоён бўлади. Маълумки, мўғуллар истилосидан сўнг улар тасарруфида бўлган худудларда олий ҳокимият фақат Чингизхон авлодлари қўлида бўлиши керак, деган ақида пайдо бўлган ва ўша давр кишилари онгида қаттиқ ўрнашиб қолган. Шунинг учун Ўрта Осиёда Чингизхон авлодидан бўлмаган кишининг ҳокимиятни эгаллаши, айниқса, ўзини “хон” деб эълон қилиши қонундан ташқари ҳисобланарди. Ҳатто ўз вақтида Ўрта Осиёда мўғуллар босқинига зарба бериб, қудратли давлат ташкил этган Амир Темур ҳам бу ҳолатни ўзгартирмаган, ўзини хон деб

<sup>57</sup> Ҳодизода Р., Каримов У., С. Саъдиев. Адабиёти тожик дар асрҳои XVI-XIX ва ибтидои асри XX. Китоби дарсӣ барои мактабҳои олий. – Душанбе: Маориф, 1988. – С. 267; Каримова Д. Мирзо Содиқ Мунший Жондорий адабий меросининг жанрий таркиби ва бадиати. Филол. фан. ном. ... дисс. Бухоро, 1997. – Б.70; Каримов У. Мирзо Содиқи Мунший. – Б. 115-116; Қораев Т. Мирзо Сомий Бўстоний // Тожи Қораев. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б. 265-270.

<sup>58</sup> Мирзо Сомий. Дахмайи шoҳон. – В.157<sup>6</sup>.

<sup>59</sup> Мирзо Сомий. Дахмайи шoҳон. – В. 162<sup>6</sup>.

<sup>60</sup> Мирзо Сомий. Дахмайи шoҳон. – В. 162<sup>6</sup>.

атамаган<sup>61</sup>. Ўрта Осиёда илк бор чингизий авлодидан бўлмайд туриб ҳокимиятни қўлга олган ва ўзини хон деб эълон қилган (1756 йил) шахс – Бухорода манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳим бўлди.

Манғит амирлари тарихини ёритувчи кўпчилик расмий тарихларда улар ҳокимиятининг легитимлиги турли йўсинда асосланган. Табиийки, Сомий ҳам “Тухфайи шоҳий”да ўзидан олдин ўтган сарой тарихнавислари анъанасини давом эттирди. Жумладан, Абулфайзхоннинг вазири Муҳаммад Ҳаким ва унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбийларнинг ҳокимият жиловини ўз қўлларига киритиш борасидаги ҳар бир саъй-ҳаракатларини Абулфайзхонга нисбатан садоқат, салтанат олдидаги юксак хизмат, шунингдек, тадбиркорликка йўяди. Хусусан, у шундай ёзади: “Бу хонадоннинг хонга нисбатан хизматлари комиллик буржида эди. Бинобарин, (улар) давлатга эҳтиромга хайрихоҳлик ила салтанатнинг барча юмушларини изга солардилар. Бирор-бир иш ота ва ўғилнинг кенгашу тадбирисиз ҳал қилинмасди”<sup>62</sup>. Бироқ “Тарихи салотини манғитийа”да муаррих Муҳаммад Раҳим ва унинг отаси Муҳаммад Ҳакимнинг ҳокимиятни эгаллашдаги хатти-ҳаракатларини салбий баҳолайди.

“Тухфайи шоҳий”да 1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга қўшин тортиши воқеаларини қаламга олганда Сомий Ҳаким оталиқнинг Нодиршоҳни Бухорога даъват қилгани ва унга итоат этишга тайёрлигини билдириб хат жўнатганини силлиқлашга уринади. Сомий бу ерда Қаршида бўлиб ўтган жангларда Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқулихон бошчилигидаги қўшиннинг устунликка эришгани ва ўзбеклар қўшинининг ғалабасидан умид қолмаганидан сўнггина Ҳаким оталиқнинг шоҳга яширин мактуб жўнатганини баён қилади. Буни ҳам “эҳтиёткорлик ва тадбиркорлик” юзасидан қилганлигини урғулайди<sup>63</sup>.

“Тухфайи шоҳий” ва “Тарихи салотини манғитийа” асарлари орасидаги яна бир фарқ шундаки, “Тухфайи шоҳий”да Чор Россияси қўшинлари томонидан Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро амирлигининг босиб олиниши ва бу босқинга қарши маҳаллий аҳолининг миллий озодлик курашлари анчагина батафсил ҳикоя қилинади.

Диссертациянинг **“Тухфайи шоҳий” асарида Бухоро амирлиги тарихининг ёритилиши**” деб номланган учинчи бобининг биринчи параграфи “Тухфайи шоҳий”да мамлакат ички аҳволининг ёритилиши” деб аталган ҳамда унда амирликдаги ички воқеликлар кўриб чиқилган. Мирзо Сомий яшаган ва ижод қилган аср Бухоро амирлиги ва Марказий Осиёда жуда катта геосиёсий ўзгаришлар юз берган даврдир. Россия ва Буюк Британия ўртасидаги геосиёсий курашлар оқибатида бир пайтлар Марказий Осиёдага энг катта туркий ва мусулмон давлат саналган Бухоро амирлигига қарашли Жанубий Туркистоннинг Балх, Андхўй, Сарипул, Қундуз, Маймана бекликлари 1860 йилда Кобул ҳукуматида ўтиб кетди<sup>64</sup>. 1868 йилга келиб амирлик Россиянинг ярим мустамлакасига айланди. Бу йирик тарихий воқеалар “Тухфайи шоҳий”да

<sup>61</sup> Бу ҳақда батафсил қар.: Кюгельген Анке фон. Легитимация среднеазиатской династии мангитов. – С. 63  
Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство. – С. 15-22, 67-69.

<sup>62</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 13<sup>6</sup>.

<sup>63</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 16<sup>а-6</sup>.

<sup>64</sup> Иванов П.П. Очерки истории по Средней Азии (XVI – середина XIX в.). – М.: Изд. вост. лит., 1958. – С. 142-143.

кенг қамровда ўз аксини топган. Мамлакатдаги ички аҳволни ёритишда Сомий асосан Шаҳрисабз, Китоб ва Ҳисори Шодмон бекликлари билан марказий ҳокимият орасидаги муносабатларга диққат қаратади. Таъкидлаш керакки, Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари Аштархонийлар давридан бошлаб марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик сиёсатини юритганлар. Ҳатто Бухоро амирлиги ҳудудларини жанубда Бадахшонгача кенгайтириб, қудратли давлат ташкил этган амир Насруллоҳ ҳам бу борада қаттиқ қаршиликка дуч келган ва Сомийнинг хабар беришича, 25 йил ичида Шаҳрисабз устига 32 марта қўшин тортгандан сўнггина, 1272/1855 йилда, қарийб умрининг охирида уни ўз тасарруфига киритишга муваффақ бўлган<sup>65</sup>.

Амир Музаффар 1280/1863 ва 1283/1866 йилларда Ҳисорга қўшин тортганида шу қўшин таркибида бевосита иштирок этган Мирзо Сомий ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни батафсил қаламга олган. Масалан, Сомий 1863 йилдаги Ҳисор юришида ҳисорликлардан 500 киши қатл қилинганини хабар берган<sup>66</sup>. Бу воқеалар унинг иккинчи асари “Тарихи салотини манғитийа”да ҳам қисқа шаклда берилган<sup>67</sup>.

Жиззах рус қўшини томонидан босиб олинганидан кейин Самарқандда вазият кескинлашиб кетади. Йирик савдогарларнинг маълум бир қисми савдо манфаатларини кўзлаб, Россия билан урушишдан кўра сулҳ тузишга мойиллик билдирарди. Диндорлар эса жанг тарафдори бўлиб, ғайридинларга қарши кураш ташвиқотини кучайтирмоқда эди. Бунинг устига, бир пайтлар амир Музаффарнинг қули бўлган Шерали иноқнинг кейинчалик Самарқанд шаҳар ҳокими этиб тайинланиши аҳволни янада мураккаблаштириб юборади. Сомийнинг хабар беришича, Шерали иноқни шаҳар аҳолиси ҳоким сифатида қабул қилмаган ва амирдан унинг ўрнига шахзода Абдумалик ҳоким тайинланишини талаб қиладилар. Садр Зиё шаҳар аслзодалари унинг фармонларига бўйсунушга ор қилганларини маълум қилади<sup>68</sup>. Амир Карманага қайтгач, лавозимида қолдирилган Шерали иноқ бир неча ҳурматли шахсларни қаттиқ жазолайди, муллаларни калтаклайди. Натижада Тиллакори мадрасасида ғазовотчилар билан амир қўшинлари орасида тўқнашув келиб чиқади. Бу ҳодисадан муаллиф қуйидагича хулоса чиқарган: “Бу хил ярамас ишларнинг рўй бериши насоро ишининг ривожига сабаб бўлиб, улар мамлакатни босиб олмоқ учун тама тишларини қайрашди. Аҳли ислом шаръий ишларда мунофиқлик, бидъатнинг авж олиши ҳамда манҳуд нифоқлардан офат ва бахтсизликка гирифтор бўлиб, кундан-кунга хору забун ва душманга мағлуб бўла борди”<sup>69</sup>. Бошқа асарида бу воқеани “амирлик тузуми асосларига зарба берилиши ва давлат қуёшининг ботишга томон оғиши” деб изоҳлайди<sup>70</sup>. Хуллас, “Тухфайи шоҳий”да амирликнинг Россия истилосидан олдинги ички аҳволини ёритишга доир муҳим маълумотлар борки, улар, биринчидан, шу даврда яратилган бошқа бирор манбада учрамайди, иккинчидан, бу

<sup>65</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 165<sup>б</sup>.

<sup>66</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 178<sup>а</sup>.

<sup>67</sup> Сами Мирза Абдалазим. Тарихи салотини манғитийа. – С. 109-111.

<sup>68</sup> Садр Зиё. Зикри салтанати подшоҳийи амир Музаффархон. Инв. № 1304. – В. 47<sup>б</sup>-48<sup>а</sup>.

<sup>69</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 222<sup>б</sup>.

<sup>70</sup> Мирза Сами. Тарих-и салатин-и манғитийа. – С. 67.

маълумотларни ўрганиш урушда амир кўшинларининг енгилиш сабабларини очиб бериш учун аҳамиятлидир.

“Сомий Россия истилоси ва жанг ҳаракатлари тўғрисида” деб номланган иккинчи параграфда Чор Россияси кўшинлари томонидан Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро амирлиги ҳудудларининг босиб олинishi ва маҳаллий аҳолининг уларга қарши курашлари “Тухфайи шоҳий” маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Мирзо Сомий Рус–Бухоро уруши (йирик жанглар ва маҳаллий тўқнашувлар 1866-1868 йилларда бўлган) тафсилотларини баён этишдан олдин Россия тарихига қисқача тўхталиб ўтади, сўнгра амирликдаги ички аҳвол, Бухоро–Кўкон муносабатлари, Тошкентнинг рус кўшинлари томонидан бўйсундирилиши, амирнинг Кўкон устига лашкар тортиши каби воқеалар бирин-кетин ҳикоя қилинади.

“Тухфайи шоҳий”да Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланган генерал Черняевнинг Жиззахга юришидан олдин Жиззах қалъасининг мустаҳкамланиши, жангда ўзбек кўшинларининг жасорати батафсил ёритилади. 1866 йил январь ойида рус кўшинлари Жиззахдан бир фарсах нарида жойлашган Нонсангин мавзесидан Жиззах томон ҳаракат қилади. Улар шаҳар атрофида Жиззах ҳокими Ёқуббек, Ўратепа ҳокими Оллоҳёр девонбеги, Зомин ҳокими Жийан Хожа бошчилигидаги довюррак муборизларнинг қаршилигига дуч келади. Жиззах мудофаачилари русларга қашатқич зарба беради. Улар мағлубиятга учраб, Чордарага чекинишга мажбур бўладилар<sup>71</sup>. Баъзи рус зобитлари ўз асарларида бу мағлубиятларини ҳатто эслатмай кетган<sup>72</sup>.

Рус кўшинлари билан тўқнашувлардан бири 1866 йилнинг 8 май куни Сирдарё бўйида жойлашган Сассикқўл мавзесида кечади. Маҳаллий манбаларда, жумладан, “Тухфайи шоҳий”да ҳам бу жанг “Майдаюлғун ғазовоти”, рус солномаларида эса “Иржар (Эржар) воқеаси” деб берилади. Сомийнинг ёзишича, рус кўшинлари тахминан 2 минг аскар ва иккита тўпдан иборат бўлган. Жанг майдонида амирнинг 30 мингдан иборат сарбозлари уларга қарши турган<sup>73</sup>. Лекин амирнинг сарбозлари ва жанг кўрмаган оломон рус кўшинининг узоққа отадиган замонавий тўплари зарбасига дош беролмай, илк тўқнашувдаёқ чекинишга мажбур бўлган. Жанг тафсилотларини яқунлаб, муаррих “элотиянинг ҳамиятсизлигини кўрган губернатор ислом диёрини эгаллаш учун тама тишларини маҳкамроқ ботирди”, деб ёзади<sup>74</sup>.

Рус кўшинларининг Жиззахга учинчи марта ҳужуми ва улар томонидан қалъанинг забт этилиши воқеалари асарда батафсил ҳикоя қилинади. Амир Жиззах мудофаасини мустаҳкамлаш учун Баҳодирбек парвоначи, Яқуббек бий қушбеги, Муҳаммад Хусайн бий, Жийан Хожа тўқсоба, Искандархон ҳамда яна бир қанча лашкарбошилари ўз кўшинлари билан Жиззах ҳокими Оллоёр девонбеги ҳузурига юборади. Ғузорлик ғазовотчилар ва кўнғирот кўшини билан Абдусаттор бий ҳам Жиззахга жўнатилади. Дониш Самарқанддан ҳам

<sup>71</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 200<sup>а-б</sup>.

<sup>72</sup> История 4-го Туркестанского линейного батальона за период с 1771 по 1882 год // Составлена поручиком В.Н. Зайцевым. – Ташкент, 1882. – С. 82; Завоевание Туркестана / Составитель К.К. Абаза. – СПб.: Типография М.М. Стасюлевича, 1902. – С. 119.

<sup>73</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 205<sup>а</sup>.

<sup>74</sup> Ўша ерда.

бир неча саркардалар бошчилигида 12 минг кўшин Жиззах ҳимоясига сафарбар қилинганини маълум қилган<sup>75</sup>.

Сомий Жиззах мудофааси ҳақида ҳикоя қилиб, жангда ҳарбий тактика қўллашда хатога йўл қўйган лашкарбошиларни қоралайди<sup>76</sup>. Муаррихнинг гувоҳлик беришича, Жиззах эгаллангач, уч соат қатлиом уюштирилиб, минглаб кишилар қириб ташланган<sup>77</sup>. Бошқа бирор-бир жангда бу қадар кўп талафот берилмаган эди. Жанг тафсилотларига хулоса ясаб, Сомий: “Чингизхон босқинидан сўнг Бухоро давлатида бу қадар даҳшатли ҳодиса ва мисли кўрилмаган мағлубият рўй бермаган эди”, деб ёзади<sup>78</sup>.

Навбатдаги йирик жанг Самарқанд учун Чўпонота тепалигида бўлди. Сомий жангга амирнинг энг тажрибали лашкарбошилари Хожа Румий ва Усмон Муслим бошчилик қилганини айтиб, ҳимоячилар сонини аниқ кўрсатмайди. “Тарихи салотини мангитийа”да уларнинг сони 100 мингдан ортиқ эканлиги қайд этилган<sup>79</sup>. Мирзо Сомийнинг ёзишича, рус кўшинлари 1 майда кутилмаганда Зарафшон дарёсини кечиб ўтиб, тўплардан ва милтиқлардан тинимсиз ўқ ёғдиради. Жанг кечгача давом этади. Чор кўшинлари кечга бориб тепаликни эгаллашга муваффақ бўлади. Жангда яраланган Шерали иноқ шаҳар ҳимоясини ўз ҳолига ташлаб, Карманага чекинади, саркарда Раҳмонкул бий эса кўшинларини олиб Ҳисорга равона бўлади. Раҳнамосиз қолган кўшин тўрт томонга тарқалиб, шаҳарда тартибсизлик бошланади. Самарқандликлар ўз ҳокимларидан ва амирдан норозилиги боис Чўпонота тепалигида енгилган Бухоро аскарларини ҳатто шаҳарга киритишмаган<sup>80</sup>. Иккинчидан, самарқандликларнинг итоати юзаки бўлиб, у “рус кўмондонлигининг хушёрлигини сусайтириш мақсадида қўлланган бир манёвр эди”<sup>81</sup>. Шаҳар таслим бўлганидан бир ой ўтар-ўтмас халқ кўзғолони бошланади. К.П. фон Кауфман бу гал шаҳарни эгаллашда халқнинг кучли қаршилигига дуч келди.

Учинчи бобнинг сўнгги параграфи “Тухфайи шоҳий”да истилочиларга қарши халқ ҳаракатларининг ёритилиши” деб номланган. Самарқанднинг забт этилиши Бухоро амирлигида кучли норозилик уйғотди. Амирликдаги ватанпарвар кучлар “муқаддас шаҳар”ни мудофаа қила олмаган ноқобил амирга ҳамда рус босқинчиларига қарши курашга отланди. Қисқа фурсатда бу кураш мамлакатнинг учдан икки қисмини қамраб олди ва унга амир Музаффарнинг тўнғич фарзанди ва тахт вориси, “Катта тўра” лақаби билан машҳур бўлган Абдумалик тўра бошчилик қилди. Бухоро амирининг ярим мустақил бекликлари – Шаҳрисабз (беги Жўрабек), Китоб (беги Бобобек) ҳамда Шарқий Бухоро бекликлари ҳам бу курашга қўшилдилар. “Тухфайи шоҳий”да Абдумалик тўра бошчилигидаги озодлик ҳаракати бошқа воқеаларга нисбатан бир неча баробар кенг ёритилган. Маҳаллий аҳолининг душманга қарши

<sup>75</sup> Ахмад Дониш. История мангитской династии. – С. 50.

<sup>76</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 209<sup>б</sup>-210<sup>а</sup>.

<sup>77</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 215<sup>б</sup>.

<sup>78</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 216<sup>а</sup>.

<sup>79</sup> Мирза Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа. – С. 74.

<sup>80</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 225<sup>а</sup>.

<sup>81</sup> Симонов А.В. Завоевание Самарканды царизмом. – С. 10.

курашлари амирликнинг Ғузор, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши, Шеробод, Денов каби бекликларидаги халқ ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда ҳикоя қилинади<sup>82</sup>.

Сомийнинг хабар беришича, амир Музаффар Самарқанд мудофаасини ташкил этиш мақсадида шаҳзода Абдумаликни лашкарбоши тайинлаб, Бухородан катта қўшин билан Самарқандга жўнатади. Қисқа фурсатда Абдумалик “туғма истеъдоди ва марғуб рафтори” билан Самарқанд аҳли ва навкарларнинг эътиборини қозонади. Унинг обрўсидан ҳасад қилган Шерали иноқ “Тўра шаҳарда исён чиқариш ниятидадир”, деган ғаразли хабарни амирга етказди. Амир унинг сўзларига ишонади ва Абдумаликни Самарқанддан четлатиб, Ғузорга ҳоким қилиб жўнатади. Сомийнинг сўзларига қараганда, отасининг бу қароридан ранжиган Катта тўра исён йўлини тутган. Бу Абдумалик тўра норозилигининг бир томонидир. “Тухфайи шоҳий”да Мирзо Сомий Абдумаликни курашга ундаган асосий сабаб амирнинг руслар билан сулҳ имзолагани бўлган, деб тушунтиради<sup>83</sup>. Демак, амирликнинг Сирдарёдан Самарқандгача бўлган ҳудудлари душман қўлига ўтганидан, отасининг Бухоро давлати учун ўта адолатсиз сулҳ тузиб, мурасасозлик сиёсатини юритганидан норози бўлган валиаҳд ҳам отаси, ҳам чор Россияси қўшинларига қарши курашга аҳд қилган.

Абдумалик тўра Ғузорда бўлган вақтда Россия империяси қўшинлари Самарқандга ҳужум қилиб, 1868 йил 2 май куни уни босиб олдилар. 18 майда эса Каттакўрғон таслим бўлди. Самарқанд ва Каттакўрғоннинг таслим бўлгани, отасининг тобе бўлиб, сулҳ тузиш ниятида губернаторга элчи жўнатганидан хабар топган валиаҳд курашни давом эттиришга аҳд қилади. Тўранинг лашкарбошилари Ҳисор қабилалари, Шеробод кўнғиротлари, эрсори туркманларига мактублар йўллаб, уларни жиҳодга чорладилар. Барча вилоятлардан ғазоталаб одамлар келиб Ғузорда тўпландилар. Катта тўра, Ғузор сардорлари ва оқсоқоллари (Худоёр эшикоғабози, Ибодуллоҳ тўқсоба, Иброҳим тўқсоба) ҳамда ғузорликлар бисотидаги чўян, мис каби асбоб-анжомлардан уч кун ичида тўртта тўп қуйилади.

Қурол-яроқ ҳозирлангач, Абдумалик тўра лашкари билан Ғузордан чиқиб, Шаҳрисабз орқали Самарқанд томон юрди. Шаҳрисабз ва Китоб беклари Бобобек ва Жўрабек ҳам вилоят қўшини ҳамда ғазоталаб аҳолиси билан Абдумаликка эргашдилар<sup>84</sup>. Рус қўшини Самарқанддан чиқиб кетиши билан шаҳар аҳолиси кўзғолон кўтарди. Мачитларда жиҳодга даъват кучайтирилди, устахоналарда қурол-яроқ ясашга киришилди, шаҳар оқсоқоллари Шаҳрисабз беклари билан алоқага киришиб, курашга тайёрлана бошлашди<sup>85</sup>. Абдумалик тўра байроғи остида тўпланган катта қўшин 1868 йилнинг 31 майдан 1 июнига ўтар кечаси Самарқанд деворлари атрофига яқинлашдилар. Абдумалик қўшинининг Самарқанд деворлари атрофига етиб келиши умумий кўзғолонга ишора бўлди. Бу ерда уларга Махдуми Аъзам авлодларидан Эшон Умархон бошчилигидаги шаҳар аҳолиси ва атроф туманлардан етиб келган маҳаллий

<sup>82</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 229<sup>а</sup>-281<sup>б</sup>.

<sup>83</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 280<sup>а</sup>.

<sup>84</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 233<sup>б</sup>.

<sup>85</sup> История народов Узбекистана. В 2-х томах. Т. II. / Под ред. С.В. Бахрушина, В.Я. Непомнина, В.А. Шишкина. – Ташкент: АН УзССР, 1947. – С. 238.

кучлар ҳам келиб қўшилдилар. Қўзғолончиларнинг бирлашган кучлари ҳеч қаршиликсиз шаҳарга кириб, Самарқандни эгалладилар. Бу вақтда рус қўмондонлари Ғузордаги ҳарбий тайёргарликлардан хабарсиз ҳолда асосий кучларини Чағноқда тўплаб, Зирабулоқ жангига ҳозирлик кўраётган эди.

К.П. фон Кауфманга Самарқанд кўзғолони ҳақида хабар етиб боргач, у тезлик билан Самарқандга қайтди. “Тухфайи шоҳий”да ёзилишича, Кауфман Самарқандга қайта туриб: “Бухоро подшоси мен билан сулҳ тузиб, Усмон Муслимни беҳисоб сарбозлару саноксиз ўзбек лашкари билан Шаҳрисабз ва Китоб устига юборди”, деган ёлғон хабар тарқатади. Бунга ишонган кенас ҳокимлари ўз юртларини ҳимоя қилиш мақсадида Самарқанддан қайтиб кетади. Сомийнинг фикрича, бу ҳол Абдумалик қўшини орасида парокандалик бошланишига сабаб бўлган<sup>86</sup>. 8 июнда Кауфман ўз солдатлари билан Самарқандга етиб келади. 2 майда бу шаҳарни осонгина қўлга киритган Кауфман энди Абдумалик тўра қўшинлари ва маҳаллий аҳолининг кучли қаршилигига учрайди. Шаҳар мудофаачилари душманга қарши ҳар қанча матонат билан курашмасин, ҳарбий техникада устун бўлган рус қўшинлари қаршилигини синдира олмайдилар. Хуллас, Мирзо Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асари орқали Бухоро давлатининг мустамлакага айланишини истамаган аҳолининг Абдумалик бошчилигида истилочиларга қарши олиб борган курашлари ҳақида тафсилий маълумотларга эга бўлиш мумкин. Гарчи Сомий бир неча жойда Абдумаликни “осий тўра”<sup>87</sup> деб атаган бўлса-да, у Абдумаликнинг курашларини ҳаққоний, бор аслияти билан баён этади.

“Тухфайи шоҳий”да Хатирчида Оллоҳёрбек баҳрин ва Нарпайда Бобон тўқсоба бошчилигида кечган қаршилиқ ҳаракатлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилади<sup>88</sup>. Бироқ сарой тарихчиси бўлган Сомий уларни “йўлтўсар”, “ўғри” “золим”, ушбу халқ ҳаракатини эса босқинчилик ва талончиликдан иборат тор мақсад йўлидаги кураш сифатида баҳолайди.

## ХУЛОСА

1. Бухорода манғитлар сулоласининг давлат тепасига келиши ва бу сулола вакиллариининг ўз ҳокимияти легитимлиги, яъни қонунийлигини асослаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, уларнинг ўзлари уюштирган йирик сиёсий ва ҳарбий тадбирларини, хусусан, истилочилик юришларини тарих варақларига муҳрлаш истаги тарихнавислик ривожига туртки берди. Шу маънода, Бухоро амирлиги XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги тарихнавислик, аввало, аъёнлар давоми, қолаверса, тарихий зарурат самараси бўлди.

2. Сомийнинг фаолияти ва дунёқараши билан боғлиқ диққатга сазовор жиҳатлардан бири – бу унинг кечроқ бўлса-да, ўзи яшаётган муҳитга танқидий кўз билан қарай бошлагани бўлди. Бу унинг амирликда мавжуд ижтимоий-маданий ҳолатга танқидий ёндашганида ўз ифодасини топди. Сомийнинг дунёқарашидаги танқидий кайфият асосан умрининг охирларида – 1905-1907 йилларда ёзилган асарларида кўзга ташланади.

<sup>86</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 237<sup>а</sup>.

<sup>87</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 252<sup>б</sup>-265<sup>а</sup>.

<sup>88</sup> Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. – В. 282<sup>а-б</sup>.

3. Сомий “Тухфайи шоҳий” асарини сарой хизматида бўлган пайтида эмас, балки саройдан ҳайдалганидан сўнг, ўз ихтиёри ва ташаббуси билан ёзган бўлса-да, маълум шахсий мақсадларни кўзлаган ва бунинг натижаси ўлароқ муайян сиёсий концепцияни илгари сурган. Асарда сарой тарихнавислик анъаналарига тўла риоя қилинганлиги ва расмий тарихларга хос барча белгилар мавжудлиги кўзга ташланади. Шулар боис, асарни шартли бўлса-да, “расмий тарих” деб аташ мумкин. Муаллиф Муҳаммад Раҳимхон ва амир Насруллоҳга бўлган муносабатини аниқ ифодаласликка интилса, амир Шохмурод ва амир Ҳайдар, асарнинг “асосий қаҳрамони” бўлмиш амир Музаффарнинг хатти-ҳаракатларини маълум бир хайрихоҳлик билан ёритади.

4. Асарнинг расмий руҳидан қатъий назар, Сомий имкон қадар тарихий ҳақиқатдан чекинмасликка ва воқеа-ҳодисаларни ўқувчига бор аслияти билан етказишга интилганки, бу унинг шахс ҳамда тарихчи сифатидаги қарашлари ва инонч-эътиқоди билан изоҳланади.

5. Сомий ўша даврдаги Бухоро амирлигини идрок этишда ва ёритишда мусулмон дунёсидаги мавжуд адабий, тарихий ва маданий анъаналарга таянган. У бирор-бир тарихий шахсга баҳо берганда ёки бирор тарихий воқеани ҳикоя қилганда, ислом манфаатлари ва мусулмончилик доирасидаги одоб-ахлоқ қоидаларидан келиб чиқади.

6. Сомий бошқа кўплаб мусулмон тарихчилари каби ўз асарининг тарбиявий аҳамиятига, ундан сабоқ олиш лозимлигига алоҳида аҳамият қаратади. Унинг ҳаёти ва асарлари маҳаллий зиёлилар қатламининг бу ўзгаришларга ва умуман янги даврга қандай муносабатда бўлганини тушунишга ёрдам беради.

7. “Тухфайи шоҳий” асари сулолавий тарих жанрига мансуб асар бўлиб, манғит амирлари тарихига бағишланган. Амир Музаффар ҳукмронлиги даври воқеалари асарнинг оригинал қисмини ташкил этади ва унда муаллиф асосий диққатини ўша даврнинг энг муҳим воқеаси – Ўрта Осиёнинг, хусусан, Бухоро амирлигининг Россия давлати томонидан босиб олинишига қаратади.

8. “Тухфайи шоҳий” асосан муаллифнинг ўзи кўрган ва бошидан кечирганлари ҳамда оғзаки ахборот, расмий ҳужжатлар асосида ёзилган. Асарнинг компилятив қисмини муаллиф манғитлар тарихига бағишланган бир неча манбадан танлаб олиш усули асосида тартиб берган.

9. Мирзо Сомийнинг “Тарихи салотини манғитийа” асарини ёзишдан кўзлаган мақсади “Тухфайи шоҳий”да баён этилмаган амир Абдулаҳад ҳукмронлиги даври воқеаларини қаламга олиш, ўзининг воқеа ва шахсларга нисбатан муносабатини эркин ифода этиш бўлган. У бунга қисман эришган бўлса-да, бироқ ўзи истаганидек катта тўнтариш ясай олмади. Сабаби Сомий профессионал сарой тарихнависи бўлганлигидир.

10. Россия истилоси воқеалари бошқа бухоролик тарихнавислар асарларида, шунингдек, Қўқон ва Хива хонликларида яратилган манбаларда ҳам бирмунча ёритилган. Аммо “Тухфайи шоҳий” истило даври воқеаларининг тўлиқ ёритилганлиги, ўша даврга оид бошқа манбаларда учрамайдиган ўзига хос, қимматли маълумотларга жуда бойлиги билан ажралиб туради.

11. “Тухфайи шоҳий” маълумотларидан келиб чиқадики, Россия истилоси арафасида Бухоро амирлиги ташқаридан қараганда анча қудратли кўринса-да,

мамлакатда ижтимоий-сиёсий аҳвол анча мураккаб эди. Хусусан, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг ҳамда Шарқий Бухоро бекликларининг Бухоро давлатига тобелиги номигагина бўлган. Амир Музаффар ўз ҳукмронлигининг илк беш йиллигида бу бекликларни қайтадан Бухоро давлатига киритишга эришди. Бироқ бу бирлашиш кўп қон тўкиш ва иқтисодий талафотлар эвазига амалга ошди. Душман мамлакат остонасида турганда кўплаб аскарлар ва моҳир лашкарбошиларнинг қириб ташланиши амирлик ҳарбий қудратига путур етказди.

12. Амир Музаффар уруш арафасида Самарқанддаги ички вазиятнинг мураккаблиги ва у келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни ўз вақтида англаб, муаммони ҳал этмагани туфайли амирлик учун муҳим аҳамиятга эга шаҳар душманга жангсиз таслим бўлди. Шаҳар ҳокимининг аҳоли ишончини қозона олмагани, тажрибасизлиги қўшин ва шаҳарликлар орасида душманлик пайдо бўлишига олиб келди. Натижада самарқандликлар шаҳарни мудофаа қилиш ўрнига, Чўпонота тепалигида енгилиб чекинган Бухоро лашкарини ҳатто шаҳарга киритмадилар.

13. Амирнинг сиёсатидан нафақат маҳаллий аҳоли, балки кўплаб амалдорлар ва қўшин бошлиқлари ҳам норози бўлгани учун, мамлакат тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда амир уларнинг кўмагидан маҳрум бўлди. Кучларнинг бу тарздаги тарқоқлиги жанг натижаларига ўз таъсирини кўрсатди.

14. Амирликда истилочиларга қарши кураш асосан диний шиорлар остида кечган. Ғайридинларга қарши курашнинг ташаббусчилари ва ташкилотчилари диндорлар бўлганлар. Аммо ғазотчиларнинг даъватига Бухоро жамиятининг барча қатламлари ҳам эргашмади ва бу ҳолат айрим ҳолларда аянчли оқибатларга олиб келди.

15. Амирликдаги умумхалқ озодлик ҳаракатига амир Музаффарнинг ўғли, “Катта Тўра” номи билан машҳур шаҳзода Абдумалик тўра бошчилик қилди. Бу ҳаракатлар мамлакатнинг учдан икки қисмини, асосан, Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари, Юқори Зарафшон ҳудудлари ҳамда бутун Шарқий Бухоро бекликларини қамраб олди.

16. Бухорода Абдумалик бошчилигидаги ҳаракатдан ташқари Нуротада Сиддиқ тўра, Хатирчи ва Пайшанбада Оллоҳёрбек девонбеги, Зиёвуддин, Нарпай ва Хатирчида Бобон тўқсоба бошчилигидаги халқ ҳаракатлари кенг кўламда ёйилгани боис, амир ўз кучлари билан мамлакатда тинчлик ўрната олмади. Маҳаллий аҳолининг озодлик ҳаракатлари амирликда тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор бўлган Туркистон генерал-губернаторининг ёрдами билан, рус қўшини тўплари ёрдамида бостирилган.

Диссертацияда қўлга киритилган илмий натижалар бўйича қуйидагича **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Мирзо Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асарини ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиб, уни илмий муомалага киритиш керак;

2. Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро амирлигининг Россия империяси ва Шарқ мамлакатлари билан дипломатик алоқаларини ёритишда Мирзо Сомийнинг “Тухфайи шоҳий” асарини алоҳида тадқиқот сифатида ўрганиш талаб этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА НАУК DSc.03./30.12.2021. Tar.26.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР АРХЕОЛОГИИ**

**ТОШОВА ШАРИФА ПАНОВНА**

**ПРОИЗВЕДЕНИЕ МИРЗА ‘АБД АЛ-‘АЗИМА САМИ «ТУХФА-И ШАХИ»  
КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК**

07. 00. 01 – История Узбекистана

07.00.08 – Историография, источниковедение и методы исторического  
исследования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/Tar.1011.

Диссертация выполнена в Национальном центре археологии

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице Научного совета ([www.ik-tarix.tdpu.uz](http://www.ik-tarix.tdpu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:

**Бабаджанов Бахтияр Мираимович**  
доктор исторических наук

Официальные оппоненты:

**Эгамбердиева Нигора Азадовна**  
доктор исторических наук

**Рахимов Комилжон Рахматович**  
доктор исторических наук, доцент

Ведущая организация:

**Национальный Университет Узбекистана**  
имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2021. Tar.26.03 по присуждению ученых степеней при присуждении ученых степеней при Ташкентский Государственный педагогический университет (100077, г. Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27. (99871) 276-76-51, факс: (+99871) 276-76-51, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского Государственного педагогического университета (зарегистрирована за № \_\_). (Адрес: 100077, г. Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27. (+99871) 276-76-51, факс: (+99871) 276-76-51, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года

(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года)



**А.К. Киргизбаев**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.и.н.,  
профессор

**С.Б. Тилабаев**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.и.н.

**Н.Х. Обломуродов**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.и.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой историографии большое внимание уделяется изучению исторических событий конца XIX – начала XX века. Эта эпоха рассматривается, с одной стороны, как время ожесточённой борьбы за межконтинентальное превосходство между лидирующими политическими силами мира, с другой стороны, как исторический период, когда усиливались реформистские движения и разгорелась борьба за национальное освобождение во всём мире.

Бухарский эмират, как один из центров, где протекали такие процессы, остается в центре внимания ученых мира. В настоящее время возрастает интерес к изучению истории Бухарского эмирата в научно-исследовательских центрах таких городов, как Берлин, Париж, Москва, Анкара. В них опубликован ряд монографий по истории и историографии Бухарского эмирата<sup>89</sup>.

В годы независимости одной из приоритетных задач, поставленных перед учёными-историками и литературоведами, было составление научно-критических текстов и осуществление переводов письменных источников, хранящих в себе внушительную часть отечественной истории. В историографии особенно высоко ценятся как источники исторические труды, освещающие историю какого-либо государства или династии, антологии, произведения путешественников, мемуары, официальные документы. Дело в том, что любой источник отражает уклад жизни своего времени, мировоззрение автора и его читателей-современников, культурные коды эпохи. Изучение источника лишь для описания подробностей политических событий или реконструкции политической истории династий не отвечает требованиям современной историографии. Исследователь-текстолог должен рассматривать письменные источники в широком смысле как продукт культуры определённой эпохи<sup>90</sup>.

Если подходить с этой точки зрения, произведение «Тухфа-и шахи» («Подарок шаху») Мирза ‘Абд ал-‘Азима Сами (1838-1907), одного из последних представителей традиционной бухарской историографической школы, имеет большое значение в изучении событий завоевания земель эмирата царской Россией. Будучи личным секретарем эмира, Мирза Сами был хорошо осведомлен в происходящих в стране политических процессах. Так, он участвовал в качестве «писца» («нависанда») в походах эмира Музаффера на Шахрисабз, Китаб и Хисари Шадман, в качестве «хроникера» в русско-бухарской войне, и в своем труде освещал события беспристрастно и подробно.

Данная диссертационная работа в определённой степени служит выполнению задач, обозначенных в указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, № ПП-4680 «О мерах по

---

<sup>89</sup> Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910: A Comparison with British India. – Oxford: Oxford University Press, 2008; Levi S.L. The Bukharan Crisis: A Connected History of 18<sup>th</sup> Century Central Asia. – Pittsburgh: University of Pittsburgh Press, 2020; Ukten S.S. Buhara Hanligi'nin askeri teşkilati (1500-1868). – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2018.

<sup>90</sup> Куделин А.Б. Арабская литература. Поэтика, стилистика, типология, взаимосвязи. – Москва: Языки славянской культуры, 2003. – С. 12.

кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров и повышению научного потенциала в области востоковедения» от 16 апреля 2020 года, № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 г., а также в других нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Как известно, в советский период действовали ограничения при изучении наследия прошлого, особенно произведений религиозно-нравственного характера. Кроме того, поскольку придворных поэтов и историков было принято считать апологетами правителей, то изучение их творчества тоже не одобрялось. Большое внимание уделялось изучению трудов Ахмада Даниша, Мирза Сами и Садр-и Зийа именно благодаря тому, что они подверглись гонениям со стороны бухарских эмиров. Ибо эмир Музаффар вынудил Ахмада Даниша покинуть двор, Мирза Сами оказался в немилости эмира ‘Абд ал-Ахада, а сторонник реформ Садр-и Зийа был смещён со своего поста по воле эмира Алим-хана. Превознося преимущества нового строя, советские идеологи поистине мастерски использовали несправедливости, царившие при эмирате. Например, широко пропагандировались критические труды Ахмада Даниша и Мирза Сами, написанные ими в удручённом состоянии после их изгнания из дворца<sup>91</sup>.

При создании своих историко-литературных произведений Садр ад-Дин ‘Айни обращался к наследию Сами, излагая сведения и о самом авторе<sup>92</sup>. В 1947 году были опубликованы статьи Г.Н. Чаброва<sup>93</sup> и З.Р. Раджабова о произведении Сами «Тарих-и салатин-и мангитийа» («История мангытских государей»)<sup>94</sup>. Оба автора, рассуждая о рукописи этого сочинения, хранящейся в фонде Института востоковедения АН РУз под инвентарным номером 1458, неправильно упоминают его как «Тухфа-и шахи». Поскольку в самом произведении отсутствует название, присвоенное ему самим автором, в первом томе «Собрания восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР», изданного в 1952 году, оно описано под названием «Тухфа-и шахи»<sup>95</sup>. «История

<sup>91</sup> Ахмад Махдومي Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салатини хонадони мангитийа / Ба саъй ва ихтимом ва тасхеҳи Абдуғани Мирзоев. – Сталинобод: Нашриёти Давлатии Тожикистон, 1960; Ахмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург / Подготовка текста и комм. Р. Хади-Заде. Пер. с тадж. М.Н. Османова и Л.М. Демидчик. – Душанбе: Таджикогосиздат, 1960; Ахмад Дониш. История мангытской династии / Пер., предис. и прим. Наджафовой И.А. – Душанбе: Дониш, 1967

<sup>92</sup> Айни Садр-ад-Дин. Эсдаликлар. Намунаи адабиёти тожик. – Москва: Госиздат, 1926. – С. 335-339; Его же. Тарихи амирони мангитияи Бухоро // Айний С. Куллиёт. Ж. 10. – Душанбе: Ирфон, 1966. – С. 319; Его же. Эсдаликлар // Айний С. Асарлар. 8 жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – С. 23; Его же. Bukhara inqilabining ta’rixi / Ed. by SHIMADA Shizuo, TOSHEVA Sharifa. – Tokyo: The University of Tokyo, 2010. – P. 27-30.

<sup>93</sup> Чабров Г.Н. Новый источник по истории Бухарского ханства // Бюллетень АН УзССР. – 1947. – № 3. – С. 23-25.

<sup>94</sup> Ражабов З.Р. Мирзо Азим Сами ва осори у // Шарқи сурх. – 1947. – № 5. – С. 26-30.

<sup>95</sup> СВР. Т. I. – № 235.

